Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 Партиявий лойиҳага ёшларнинг қизиқиши кучаймоқда

04 Тиббиёт ютуқлари намойиши

07 Қайтар дунё



2014 йил 10 апрель, пайшанба, 14 (542)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ЭЪТИРОФ



## «Тошкент» аэропорти — кучли ўнталикда

Жаҳоннинг йирик аэропортлари рейтингини тузувчи «Skytrax» (Буюк Британия) консалтинг компанияси маълумотларида «Тошкент» халқаро аэропорти МДҲ ҳудудидаги энг яхши ҳаво бандаргоҳлари ўнталигидан жой олди. Маълум бўлишича, 110 дан ортиқ мамлакатнинг 12 млн. нафардан зиёд йўловчиси орасида ўтказилган навбатдаги сўровда 410 та аэропорт иштирок этган. «World Airport Awards» мукофотлари эса дунёнинг энг яхши аэропортлари сифатида эътироф этилган Сингапур, Сеул ва Мюнхень ҳаво портларига топширилган.

КИЧИК БИЗНЕС



## Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинади

Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бек-текс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида кўплаб янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилмоқда.

Мазкур корхона қурилишига «Микрокредитбанк» вилоят филиали томонидан 665 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

– Маҳсулотларимиз сифати ва дизайни жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди, – дейди корхона дизайнер-модельери Ксеня Насеткина. – Моделларни танлашда хорижнинг шу турдаги маҳсулотларини чуқур ўрганганимиз қўл келмоқда.

Замонавий тарзда жиҳозланган корхона кунига эркаклар, аёллар ва болаларнинг 5 мингдан ортиқ кийимларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

«Бек-текс» МЧЖ ишга тушиши билан 300 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 100 нафари касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

**(ЎзА)**

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

# Мардлик ва жасорат тимсоли

**Истиқлол йилларида миллий-маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимиз номини тиклаш, улар меросини ўрганиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда**

Амир Темур – ўзлигимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улуғвор ишларда халқимиз тийнатидаги бунёдкорлик, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашдек фазилатларга маънавий куч бағишлаётган шавкатли сиймолардан биридир. Қудратли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Шу йили бобокалонимизнинг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкаллари қад кўтарди. Пойтахтимиздаги файзли хиёбон, шоҳ кўча, метро бекати, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталмоқда.

Тошкентда барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи ўзининг бетакрор кўрку салобати билан нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келаётган сайёҳларда ҳам ҳайрату ҳавас уйғотмоқда. Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолияти ва Амир Темур ордени юртдошларимизни давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Ватанимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишга руҳлантирмоқда. 2011 йили давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан «Темур тузуклари»нинг мукаммал ҳолда чоп этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

2 ▶▶




Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ

# Жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув

**Бу жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоларидан соҳага оид қонунчиликни изчил такомиллаштиришни тақозо этмоқда**

O`zLiDeP фракцияси билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ва «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашнинг истиқболлари» мавзуидаги илмий-амалий семинарда маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда сифатини халқаро стандартларга мослаштириш орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, ушбу масалалар O'zLiDePнинг Сайловолди платформасидан ўрин олган устувор йўналишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимининг ҳуқуқий асослари, уларнинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб борилиши депутатлар томонидан изчил назорат қилинмоқда.

– Соҳага оид қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларга ўз вақтида ечим топиш муҳим аҳамиятга эга, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. – Шунинг учун ҳам «Ўзстандарт» агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда асосий эътибор ушбу масалаларни экспертлар иштирокида атрофлича муҳокама қилишга қаратилди.

«Ўзстандарт» агентлиги бош директори Абдусалом Қурбоновнинг фикрича, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви ва глобаллашув шароитида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро меъёр ва андозаларга мослаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш борасидаги ишлар диққатга сазовордир.

2 ▶▶

ДАВРА СУҲБАТИ

# Сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлида

**Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил қилинди**

Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга тааллуқли қоидалари атрофлича кўриб чиқилди.

Давра суҳбати иштирокчилари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мутахассислари, илмий-тадқиқот ва олий ўқув муассасалари вакиллари, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари, эксперт ва журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига киритилган ушбу қонун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

3 ▶▶

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

**Бугун, 10 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилади**

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ишчи гуруҳи раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашдилар.

3 ▶▶



«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

##Ислоҳотлар муваффақияти учун барча бирдек масъул

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Кегейли туманида «Хусусий мулк ҳимоясини янада мустаҳкамлаш — устувор вазифа» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

Тадбиркор ва фермер хотин-қизлар, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган йиғилишда иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизациялаш, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, хусусий мулкчилик соҳасида яратиб берилган имтиёзлардан унумли фойдаланиш масалалари атрофида сўз юритилди.

— Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ёш авлодни тарбиялаш, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган, — дейди O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Сора Қойлибаева — Бу зиммамизга катта масъулият юклайди, албатта. Тўғри, юртимиз ижтимоий ҳаётида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаол аёлларимизнинг ҳиссаси оз эмас.

2 ▶▶

## БУГУНГИ СОНДА:

**2014** йилнинг **18** апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва фермерларнинг саволларига «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси Абдиваҳоб Тамикаев жавоб қайтаради.

6 ▶

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2104,24 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3757,65 |
| 1 Дания кронаси | 416,16 |
| 1 БАА дирҳами | 617,41 |
| 1 АҚШ доллари | 2267,74 |
| 1 Миср фунти | 325,12 |
| 1 Исландия кронаси | 20,03 |
| 1 Канада доллари | 2067,60 |
| 1 Хитой юани | 365,07 |
| 1 Малайзия ринггити | 693,92 |
| 1 Польша злотийси | 747,37 |
| 1 СДР | 3492,75 |
| 1 Туркия лираси | 1075,22 |
| 1 Швейцария франки | 2542,02 |
| 1 ЕВРО | 3137,48 |
| 10 Жанубий Корея вони | 21,54 |
| 10 Япония иенаси | 219,68 |
| 1 Россия рубли | 63,88 |
| 1 Украина гривнаси | 195,48 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Парламентда

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

## Жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув



Солих ЗОИР олган сурат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Хусусан, 2013 йил 4 октябрда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилиниши ва кучга кириши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу муҳим ҳужжат товар ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириб, маҳаллий хомашё асосида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга янада қулай шароит яратди.

Маълумки, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга тааллуқли қонунлар истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиб, бозорда инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфли маҳсулотлар пайдо бўлишининг олдини олиш, савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қиляпти. Бу жараёнга мувофиқликни баҳолайдиган 165 ташкилот, 378 синов ва 139 калибрлаш лабораторияси ҳам жалб этилган.

– «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ва «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларнинг айнан O`zLiDeP аъзоси етакчилик қилаётган Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида тайёрлангани ҳам ўтган сайловлар даврида партия электоратига берилган ваъдаларни бажаришга катта масъулият билан ёндашилаётганини кўрсатади, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Зоиров. – Ушбу қонунлар ижросини таъминлаш муҳим эканини инобатга олиб, техник иш тартибини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва қабул қилиш жараёни, ваколатли органлар қошидаги эксперт комиссиялари фаолияти самарадорлиги, техник тартибга солиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш долзарблиги билан боғлиқ муаммолар яна бир бор муҳокама қилинди.

*«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилиниши ва кучга кириши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу муҳим ҳужжат товар ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириб, маҳаллий хомашё асосида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга янада қулай шароит яратади.*

Тадбирда соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги техник жиҳатдан тартибга солишга оид ҳужжатлар ўрганилиб, таҳлил қилинадиган, хавфсизлик ва сифатнинг мақбул параметрлари белгиланадиган технопарк фаолияти ижобий баҳоланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ботир Усмонов мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлашнинг бугунги ҳолатига тўхталиб, ҳар йили касб-ҳунар коллежларини тугатаётган 2 мингга яқин йигит-қиз «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги турли корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинаётганини билдирди. Тошкент Давлат техника университети Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Парахат Матякубова эса кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳақида гапирди. Хусусан, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ҳар йили 2500 нафарга яқин мутахассис ўзининг касбий малакасини ошириши баробарида соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорларни ҳар томонлама ўрганаётганига эътиборни қаратди.

Юқорида таъкидланганидек, O`zLiDeP фракцияси ушбу соҳа ривожининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, мавжуд қонунларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари самарадорлигини ошириш масалаларини чуқур таҳлиллар асосида кўриб чиқаётгани бежиз эмас. Чунки партия ўз дастуридан келиб чиққан ҳолда юксак технологияларни ҳаётга жорий этишда хусусий секторнинг ҳар бир субъекти манфаатига дахлдор қонунларнинг нафақат қабул қилиниши, балки улар ижросини қатъий назоратга олиш жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда. Бу эса пировардида Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши табиий.



## Мардлик ва жасорат тимсоли

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Халқимиз Соҳибқирон таваллуд санасини ҳар йили кўтаринки руҳда нишонлайди. Шу кунларда бобомиз таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, тадбирлар, давра суҳбатларида мустақиллик туфайли улуғ аждодимиз хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишга кенг йўл очилгани алоҳида қайд этилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, кенг жамоатчилик, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, темуршунос Ҳақим Сатторий ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш ва миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида Амир Темурнинг ўлмас номи, жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросидан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш юзасидан бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугун Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги улкан меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб бадиий, публицистик асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари Соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Соғлом бола йили» деб номланган жорий йилда соғлом ва баркамол авлод келажаги учун ғамхўрлик кўрсатиш, уларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

***

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида ўзбек давлатчилигида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида «Буюк аждодлар мероси – барҳаёт» номли кўргазма ташкил этилди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тадбир Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

## Ислоҳотлар муваффақияти учун барча бирдек масъул

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Наргиза ҚАХХОРОВА,**
«XXI asr»

Ўтган 2013 йили Қорақалпоғистонлик ишбилармон хотин-қизлар тижорат банкларидан жами 27 млрд. 538 млн. сўм миқдорида кредит олиб, саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширдилар. Айниқса, оилавий тадбиркорлик ва халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш жойларда бандлик даражасини янада ошириш имкониятини кенгайтирмоқда. O`zLiDeP учун эса кишиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шу орқали ҳар бир оиланинг фаровонлигига эришиш иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги асосий масаладир.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун республикада фаолият юритаётган 10919 дан ортиқ партиядошимизнинг 3794 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 169 нафари бошланғич партия ташкилотларига етакчилик қилаётган бўлса, 700 нафари бевосита тадбиркорлик ва фермерлик билан машғул. Аёллар фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш юзасидан доимий мониторинг олиб борилиб, туркум тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Айжамол Юсуповнинг айтишича, тадбиркорлик соҳасида иш юритиш истагида бўлган аёлларга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига бизнес-режалар тузиш, тижорат банкларидан кредит олишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиляпти.

Бу борада ижтимоий шериклик тамойили жуда қўл келаяпти. Жумладан, «Соғлом бола йили»даги вазифалардан келиб чиқиб, Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл», «Ҳунарманд» уюшмалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Барча бўғиндаги партия фаоллари O`zLiDeP Сайловолди платформасини кенг тарғиб қилиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун сафарбар этилган. Бу эса аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини юзага чиқариш имкониятини кенгайтирмоқда. O`zLiDeP аъзолари орасида тадбиркор хотин-қизлар сони тобора ортаётгани, улар ўртасида либерал ғоя ва мафкурага қизиқиш кучайиб бораётгани ҳам шундан. Дейлик, чимбойлик Жамила Нуримова қандолатчилик цехи очиб, 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Ана шундай фаол аъзолардан яна бири Нургул Нагметова миллий ва замонавий либослар тайёрлашга ихтисослашган цех ташкил этиб, 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратди. Кегейли тумани аҳолисига маиший хизмат кўрсатаётган Арухон Қайипбекова ҳам тадбиркорликда ҳамкасбларидан орқада қолаётгани йўқ. Оқбута овулида бугун ушбу моҳир тикувчининг издошлари кўп.

Кўринадики, O`zLiDeP «Аёллар қаноти» жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликка оид Президент фармон ва қарорлари, янги қонунлар моҳиятини оммага етказиш, истиқболли бизнес лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида «Аёллар қаноти» томонидан қорақалпоғистонлик хотин-қизларга банклардан 170 млн. сўм миқдорида кредит олишда яқиндан ёрдам кўрсатилгани ҳам эътиборга молик.

Зеро, ишбилармон, тадбиркор аёллар бошини қовуштириш, уларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этиш O`zLiDeP нинг дастурий мақсадларидан биридир.

Тадбир давомида ана шулар хусусида атрофлича фикр юритилиб, мавзу юзасидан муҳим мулоҳазалар ўртага ташланди.

### ХАБАРЛАР

## Чет тилини ўргатишнинг «самарқандча» усули

Оқдарё Педагогика коллежида ҳар ойда бир кун барча фанлар инглиз тилида ўтила бошланди.

Самарқанд Давлат чет тиллар институти томонидан ушбу коллежда ташкил этилган амалий-услубий конференцияда Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси, ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Фақат чет тили дарслари ёрдамида хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириш қийин, — деди тадбирда Оқдарё Педагогика коллежи директори Сафохон Саъдуллаев. — Тажриба ҳар қандай тилни оммавий тарзда ўрганиш орқалигина кўзланган натижага эришиш мумкинлигини яна бир бор кўрсатди. Шу боис жорий йил бошидан коллежимизда ҳар ойда бир кун барча дарсларни инглиз тилида олиб бориш тартиби йўлга қўйилди. Бугунгача тумандаги бошқа коллеж мутахассислари билан бирга 11 та фанга оид дарс ишланмаларининг инглиз тилидаги вариантлари тайёрланди. Қувонарлиси, шу тариқа хорижий тилни яхши ўзлаштира бошлаган ўқувчиларимиз нафақат дарслар пайтида, балки бошқа тадбирларда ҳам ўз фикрларини инглиз тилида ифодаламоқдалар.

**М.РАВШАНОВА.**

## Уяли алоқадан 19,6 млн. киши фойдаланмоқда

Infocom.uz. нашри 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19,6 млн. нафарга етганини маълум қилди. Ўзбекистон аҳолиси 30 488,6 минг киши эканини инобатга олсак, юртимизда уяли алоқанинг қамраб олиш (кириб бориш) доираси 64,28 фоизни ташкил этади.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда уяли алоқа хизмати тўртта оператор — GSM стандартига мувофиқ ишлайдиган Beeline ва Ucell, шунингдек, Perfectum Mobile (CDMA стандарти) ҳамда Uzmobile (CDMA- 450 стандарти) брендлари остида фаолият кўрсатувчи компаниялар томонидан кўрсатилмоқда.

Хусусан, қарийб 10,5 миллион абонентга эга бўлган Beeline бугун мамлакат уяли алоқа бозорининг 53,6 фоизини эгаллаган бўлса, абонентлари сонини салкам 8,5 млн.тага етказган Ucell барча мижозларнинг 43,4 фоизига хизмат кўрсатяпти.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши-ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим».**

ТЕМУР тузукларидан.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» сайлов қонунчилиги аниқ мақсадга йўналтирилган тадрижий ривожланишининг муҳим омилига айланди.

# Қонунчилик

## Партиявий лойиҳага ёшларнинг қизиқиши кучаймоқда

Қарши педагогика коллежида ўтказилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарнинг шаҳар босқичида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг 200 нафарга яқин талабаси иштирок этди

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»




Айтиш жоизки, 2013 йилда мазкур лойиҳада 500 нафардан ортиқ битирувчи ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, уларнинг 79 нафарига 725 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар берилгани натижасида 130 дан зиёд янги иш ўрни яратилган эди.

— Лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад битирувчилар бандлигини таъминлаш, уларнинг инновацион ташаббусларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сарвар Ботиров. — Тажрибали мутахассислардан йўл-йўриқ ва тавсиялар олган иштирокчилар бизнес соҳасининг дастлабки жараёнларида учрайдиган баъзи бир муаммоларни ечиш амалиёти билан боғлиқ самарали усулларни ҳам ўрганмоқдалар. Шунингдек, тадбирда таълимдан кейинги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ёшларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Амалиёт дарслари дебат ва очиқ мулоқот шаклида ташкил этилиб, унда иштирокчилар маълум бир йўналиш ва мавзу бўйича баҳс-мунозара юритдилар.

Семинар иштирокчиларига молия муассасалари мутахассислари томонидан кичик бизнесни ривожлантиришда банклар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш масалалари ҳақида батафсил маълумотлар ҳам берилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Бизнес-режа нима ва уни тайёрлаш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар», «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари», «Гаров таъминотининг турлари ҳамда гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари», «Кичик бизнес вакиллари учун жорий этилган солиқ имтиёзлари» мавзуларида амалий машғулотлар олиб бордилар.

Семинар-тренингда саралаб олинган 20 нафар иштирокчининг бизнес-режаси қайта ишланиб, вилоят босқичи учун тавсия этилди.

## Сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Уларнинг фикрига кўра, Конституцияга киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг янада демократлашуви, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ваколатларнинг қайта тақсимланиши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ривожланиши, шунингдек, сайлов тизимининг янада такомиллашувининг муҳим омилига айланади.

Бунда асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилайдиган Конституциянинг 117-моддасига таклиф этилаётган тузатишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Конституцияга киритилаётган тузатишлар мамлакатимизда сайлов тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлганлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» сайлов қонунчилиги аниқ мақсадга йўналтирилган тадрижий ривожланишининг муҳим омилига айланди. Унга мувофиқ икки палатали парламентга сайловни қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказишни таъминлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

***Конституцияга киритилаётган сайлов тизими билан боғлиқ янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.***

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, шунингдек, у ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошкоралиги, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг яна бир муҳим кафолатидир.

Экспертларнинг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга ўзаро узлуксиз боғлиқ ҳолда миллий сайлов тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида Конституцияга киритилаётган сайлов тизими билан боғлиқ янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**ЎзА.**

2014 — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

## Наманганда тиббий хизмат сифати янада яхшиланади

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида Наманганда ҳам вилоят ҳудудий дастури ишлаб чиқилди, — дейди Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Қосимов. — Бу жараёнда болаларнинг тўрт мучаси соғ бўлиши учун, энг аввало, никоҳланаётган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 3 ойида ҳудудимизда 2610 та никоҳ қайд этилди. 4197 нафар келин-куёв никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилди

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»



Биринчи чоракда «Фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида вилоятнинг олис ҳудудларидаги қишлоқларда жами 5740 киши, жумладан, 4305 нафар йигит-қиз, 1435 нафар бола республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди.

«Болалар иммунизацияси» дастурининг «Миллий эмлаш» тақвимига асосан камида 97 фоиз контингент қамраб олинади. Янги вакциналар ротавирус инфекцияси, пневмакок ва инсон папилломаси HPV-вирусига қарши эмлаш ишлари июнь ойидан бошланади. Шу ўринда 10 минг болани гепатит Ага қарши, «Меҳрибонлик уйи» ва ихтисослаштирилган интернатлар тарбияланувчиларини гриппга қарши эмлаш ишлари эса октябрь-ноябрь ойларида ўтказилишини қайд этиш жоиз. «Соғлом бола йили»нинг I чорагида 45156 нафар мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчисидан 13905 нафари, 359344 нафар умумтаълим мактаби ўқувчиларидан 169735 нафари чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ҳомиладор аёллар скрининги замон талаблари асосида ташкил этилиб, 2014-2016 йиллар давомида 30 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёлларни фолий кислотали жамламалар билан таъминлаш бўйича 16756 ўрамда дори-дармонлар бепул тарқатилади. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга самарали перинатал, шошилинч акушерлик ёрдами, болалар касалликларини даволашда интеграциялашган усулларни қўллаш, кўкрак сути билан боқиш ва чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси масалаларида вилоятнинг барча туманларида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида шифокорларнинг касбий маҳорати, малакасини ошириб боришга ҳам катта аҳамият берилmоқда.

Инвестиция дастурига асосан Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги 6 та даволаш-профилактика муассасаси, хусусан, Сил касалликлари ва Онкология диспансерлари, шаҳар Болалар силига қарши кураш шифохонаси, Янгиқўрғон, Норин ва Чортоқ туманлари тиббиёт бирлашмаларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан 15 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилган, жорий йилнинг биринчи чорагида 1 млрд. 470 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Йил якунигача Норин туман тиббиёт бирлашмасида 30 ўринли тез тиббий ёрдам ва 20 ўринли жарроҳлик бўлими, силга қарши кураш диспансерида 70 ўринли янги бино ва 50 ўринли поликлиника диспансери, вилоят Болалар силига қарши кураш шифохонасида эса янги 80 ўринли ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳим масалалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида парламент муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлиши қайд этилди. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувининг энг муҳим принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган. Сенатнинг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Кенгаш аъзолари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилиб, Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Булар жумласига «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақидаги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киради.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенатининг, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масалалар, Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади».**

ТЕМУР тузукларидан.

# Тиббиёт ютуқлари намойиши

## «Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш – TIHE 2014», «Фармацевтика саноати – АртекаExpo Central Asia 2014» ҳамда «Стоматология – Stomatology Uzbekistan 2014» халқаро кўргазмалари очилди

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни, «Ўзтибтехника» масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорликда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий тиббий анжомлар билан таъминлаш борасидаги ишлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Хусусан, 2013 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт муассасалари қуриш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда мунтазам ўтказиб келинаётган халқаро тиббиёт кўргазмалари тиббий-илмий янгиликлар ва технологиялар билан танишиш, соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашиши учун имконият яратиш орқали соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бу йилги кўргазмаларда Австрия, АҚШ, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Италия, Литва, Нидерландия, Польша, Россия, Словакия, Хитой, Чехия, Швейцария, Япония, Ҳиндистон каби йигирмадан ортиқ мамлакатдан бир юз элликка яқин компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Павильонларда замонавий ташхис аппаратлари, ортопедия, стоматология, имплантология ва жарроҳлик асбоб-анжомлари, дори-дармонлар намойиш қилинмоқда.

Кўргазмада илк марта иштирок этаётган Ҳиндистоннинг «Allengers» компанияси тиббиёт соҳасининг турли йўналишларида фойдаланиладиган рақамли радиография ва ангиография тизимлари, литотрипторлар, рентген аппаратлари каби техника ва технологияларини таклиф этмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига ўз маҳсулотларини экспорт қиладиган мазкур компания ижрочи директори Ражинда Канварнинг айтишича, Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит ва кенг имкониятлар хорижлик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка бўлган қизиқишини кучайтирмоқда.

Кўргазма доирасида илк марта «Тиббиёт туризми» шўъбаси ҳам ташкил этилди. Унда «University Medical Center Freiburg» (Германия), «Kardiolita» (Литва) ва «Acibadem Hospitals Group» (Туркия) каби тиббиёт муассасалари соғломлаштириш хизматлари билан иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, мазкур тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, фармацевтика бозорини аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мос, безарар ва самарали дори-дармонлар билан тўлдириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида мазкур соҳада фаолият юритувчи муассасалар сони тобора кўпайиб бораётир.




***– Ўзбекистонда стоматология соҳаси жаҳон андозалари даражасида ривожланганининг гувоҳи бўляпмиз, – дейди Хитойнинг «HST Stomatological Scientific and Educational» компанияси савдо менежери Гибсон Женг.***

Ўзбекистонда 2000 йилдан буён иш юритаётган «Nobel Pharmsanoat» компанияси шулардан бири.

– Компаниямиз йилига 4,5 миллион донадан зиёд дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди ушбу компаниянинг реклама ва маркетинг департаменти директори Жаъфар Ҳақназаров. – Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси, хусусан, фармацевтика ривожига қаратилаётган улкан эътибор компаниямизнинг муваффақиятли фаолият юритишида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда корхонамизда илғор технологиялар асосида юзга яқин номдаги дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда. ISO 9001:2008 халқаро стандартига мос, юқори сифатли маҳсулотларимиз хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ушбу кўргазмаларда иштирок этиш орқали янги ҳамкорлар топиш, дориларимиз экспорти кўламини кенгайтириш ниятидамиз.

Ўзбекистонда стоматология соҳаси жаҳон тиббиёти ва илмфани билан ҳамқадам ривожланаётир. Беморларга тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, тиш, милк, оғиз бўшлиғидаги нуқсонларни самарали даволаш имконияти кенгаймоқда. Стоматология клиникалари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Аҳолига тиббий профилактика ёрдами кўрсатиш борасида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ўтказилаётган тиббий кўриклар юқори самара беряпти. Стоматология соҳасида халқаро тажрибани ўзлаштириш билан бирга аниқ ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда.

– Ўзбекистонда стоматология соҳаси жаҳон андозалари даражасида ривожланганининг гувоҳи бўляпмиз, – дейди Хитойнинг «HST Stomatological Scientific and Educational» компанияси савдо менежери Гибсон Женг. – Бу жараёнда биз ҳам ўз маҳсулотларимиз билан иштирок этаётганимиздан мамнунмиз. Кўргазмада компаниямизда ишлаб чиқарилаётган стоматологик моделлар ва соҳага оид тиббий асбоб-ускуналаримизни намойиш қиляпмиз. Мақсадимиз Ўзбекистоннинг тиббиёт бозори билан яқиндан танишиш, бу ердаги талаб ва таклифларни ўрганиш, мамлакатингиз тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат.

Кўргазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш, фармацевтика, стоматология ва тиббиёт туризмини янада ривожлантириш, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш, соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

САМАРҚАНД. Самарқанд Давлат университетида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг шаҳар босқичи якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг 112 нафар битирувчиси иштирок этиб, «Тадбиркорлик ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари», «Солиқларни унутманг», «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби», «Суғурта — тадбиркорлик кафолати», «Кредит турлари ҳамда банк кредит сиёсати» тўғрисидаги маърузаларни тингладилар. Шундан сўнг ёшларнинг бизнес-режалари тақдимоти ташкил этилди.

— O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга-2013» лойиҳасида иштирок этиб, «Микрокредитбанк»дан 29 млн. сўм миқдорида кредит олишга муваффақ бўлдим, — дейди Самарқанд Давлат чет тиллар институти талабаси Сулаймон Норбўтаев. — Бунда вилоят партия кенгашининг ёрдами катта бўлди. Натижада тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиб, бир неча тенгдошимни иш билан таъминлашга эришдим.

СИРДАРЁ. O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан Янгиер тиббиёт коллежида «Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг меваси» мавзуида амалий мулоқот ташкил этилди. Бунда асосий эътибор «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, хусусан, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Тадбирда O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

— «Соғлом бола йили»да соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, шифо масканларини янги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш устувор вазифалардан бири қилиб қўйилган, — дейди вилоят партия кенгаши аппарат раҳбари Ш.Бозорбоева. — Зеро, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида O'zLiDeP ҳам қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Шулардан келиб чиқиб фаолиятимизга янгича талаблар асосида ёндашиш, маслакдошларимизнинг билим ва малакасини такомиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

ЗАРГАРЛИК

## Чорчинорда шундай уста бор

Заргарлик Яҳёбекка ота мерос касб. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ у Абдуҳамид отанинг Марғилон шаҳар марказидаги заргарлик дўконида нозик санъат сирларини ўрганди.

Ҳар бир касб сингари заргарликнинг ҳам талай синоатлари борки, буни англаб етиш учун катта истеъдод, дид ва маҳорат талаб этилади. Ҳунарманд Яҳёбек Абдужабборов ана шундай хислатларни ўзида жам этган моҳир усталардан.

— Яҳёбек заргар нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам таниқли ҳунармандлардан саналади. Хориждан келган сайёҳлар у ясаган гўзал тақинчоқларни қизиқиб харид қилишади, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси шаҳар бўлими раиси Расулжон Мирзааҳмедов. — У халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантиришда эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг диплом, фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари билан тақдирланган. Айниқса, «Марғилонча», «Фарғонача», «Қирғизча» деб номланган нозик жилолар берилган заргарлик буюмлари юксак баҳоланяпти. «Водий камалаги-2010» фольклор-модалар фестивалида ҳам махсус сертификат ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Уста томонидан яратилган заргарлик буюмларини кўздан кечирар экансиз, кўз олдингизда қадимий тарих, миллий ўзлигимиз намоён бўлади, гўё. У яратган янги услубдаги буюмлар эса бугунги замон руҳи билан уйғунлашган. Шу боис Марғилоннинг Чорчинор маҳалласида истиқомат қилаётган Яҳёбек заргарнинг дўкони ҳамиша мижозлар билан гавжум.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

# Нега даъво аризаси киритиш тартибига риоя қилинмаяпти?

## Самарқанд вилоят хўжалик судида «Фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун яратилган ҳуқуқий асослар ҳамда кафолатлар» мавзуида семинар ташкил этилди

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Унда аграр соҳа вакилларининг ишончли кўмакчисига айланган Фермерлар кенгашларининг қишлоқ мулкдорлари манфаатини кўзлаб хўжалик судларига киритаётган даъво аризаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатлар, амалдаги қонунларда белгиланган имтиёзлар хусусида фикр юритилди.

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 5-бандига кўра, ушбу тузилмага фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимликларнинг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари киритиш ҳуқуқи берилган.

— Ўтган йили Фермерлар кенгашлари томонидан вилоят хўжалик судига 27 та даъво аризаси киритилган бўлса, уларнинг 10 таси кўриб чиқилиб, шу кунгача 8 таси ижобий қаноатлантирилди, — дейди Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси Алишер Ҳамраев. — Шунингдек, фермер хўжаликларидан 33 та даъво киритилиб, уларнинг 26 таси ҳам қишлоқ мулкдорлари фойдасига қаноатлантирилди. Аммо айрим даъво аризаларининг эгаларига қайтарилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бунинг асосий сабаби уларнинг Хўжалик-процессуал кодексининг 112-моддаси талабларига риоя қилмаган ҳолда тақдим этилаётганидир. Мазкур моддада даъво аризаларининг шакли ва мазмунига риоя этиш тартиблари қатъий белгиланган. Афсуски, айрим мурожаатларда ишда иштирок этувчи шахслар номи ва почта манзили, ундириладиган ёки низога сабаб бўлган маблағ ҳамда бошқа маълумотлар аниқ кўрсатилмаяпти. Бу эса тадбиркор ва фермерларимиз ҳалигача мавжуд қонун талабларидан тўла хабардор эмасликларини ҳам кўрсатяпти.

Семинарда ана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда Фермерлар кенгашлари томонидан қишлоқ мулкдорлари манфаатини кўзлаб хўжалик судларига мурожаат этилган вақтда мазкур имтиёзлардан тўла фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиши, умуман, амалдаги қонунлардаги имтиёз ва талаблар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

БАЛИҚЧИЛИК

## Балиқ етиштиришнинг интенсив усули

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг парҳез гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қашқадарё вилоятида балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб табиий сув ҳавзаларида садок усулида балиқ етиштириш жорий этилмоқда.

– Вилоятимиздаги 6 сув омбори, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси ва сув омборлари бошқармалари қошида садок усулида балиқ етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиш, уларни имтиёзли кредит маблағлари, юқори оқсилли омихта ем билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят давлат солиқ бошқармасининг шўъба бошлиғи Эргаш Асадов. – Хусусан, «Чаккисой балиқчилик», «Толлимаржон садок балиқ», «Чимқўрғон шаршараси», «Пачкамар сарчашмаси», «Қалқама балиғи», «Лухликўл садок балиқлари» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди.

Садок – сувнинг маълум қисми тўр билан ўраб олинадиган махсус мосламадир. Садокни пўкаклар ва пластмасса қувурлар ёрдамида сув юзаси ва сув остига қозиқоёқ билан маҳкамлаш мумкин. У бир куб метр сувда 50 килограммдан 200 килограммгача балиқ етиштириш имконини беради.

Садок ёрдамида турли сув ҳавзалари, хусусан, сув омбори ва табиий кўлларда балиқ парваришласа бўлади. Бунда қўшимча ер ва сув ресурслари талаб қилинмайди. Айни пайтда бир сув ҳавзасидаги алоҳида садокларда тури ва катта-кичиклигига қараб ҳар хил балиқ етиштириш мумкин. Бу усулда балиқни озиқлантириш, ривожланишини назоратга олиш ва овлаш жуда қулай, қўриқлаш тизими енгил.

– Толлимаржон сув омборида 6 қафас ташкил қилдик, – дейди «Толлимаржон садок балиқ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Аҳмедов. – Ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда металл қувурдан тайёрланган қафасларга 500 килограмм дўнгпешона чавоқлари ташладик. Мутахассисларнинг айтишича, улар 6-7 ойдан кейин 1-1,5 килограмм тош босади. Келгусида қафаслар сонини кўпайтириб, уруғлантиришни ҳам шу ернинг ўзида ташкил қилиш ниятидамиз.

**Ўлмас БАРОТОВ, ЎзА мухбири.**

АСАЛАРИЧИЛИК

## Сердаромад соҳа



Термиз шаҳрида асаларичиликни янада ривожлантириш, соҳага янги технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳолини арзон, сифатли, табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Сурхондарё вилоятида 2013 йили беш юзга яқин асаларичилик хўжалиги 406 тонна асал етиштирган бўлса, бу йил яна 80 та янги асаларичилик хўжалиги ташкил этиб, 500 тоннадан ортиқ асал тайёрлаш мўлжалланмоқда. Асаларичиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор мевали боғ ва турли ўсимликларни чанглантириб, ҳосилдорликни ошириш имконини бермоқда.

Бойсун туманида жорий йилда 14 асаларичилик хўжалиги ташкил этилиб, 155 тоннадан ортиқ асал етиштирилади.

– Баҳор – соҳа учун масъулиятли мавсум саналади, – дейди бойсунлик асалчи Ҳолиқ Сувонов. – Жорий йилда 150 асалари оиласини парваришлаб, уч тоннага яқин шифобахш маҳсулот олишни режалаштирганмиз. Баҳорда озуқа етишмаса, арининг тухум қўйиши камайиб, қуртчаларнинг ривожланиши сусаяди. Бунинг олдини олиш мақсадида етарли миқдорда озуқа билан таъминлаш ва турли касалликларга қарши дорилар билан сифатли ювишга эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Семинарда маҳаллий иқлимга мос асалариларни кўпайтириш, боқиш, асалари оилаларини баҳорги текширувдан ўтказиш, касалланишининг олдини олиш ва зараркунандаларга қарши курашиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

«ЁШЛАР ҚАНОТИ»

## Битирувчилар партия эътиборида

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Диплом билан — бизнесга» партиявий лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш масалалари кўриб чиқилди.

— Бугунги семинардан ўзим учун тегишли хулоса чиқардим, — дейди коллеж битирувчиси Достонбек Фозилов. — Новвойчиликка қизиқаман. Бугунги мулоқотда бизнес-режа тузиш, кредитни тўғри йўналтириш бўйича керакли маълумотларни олдим. Коллежни тамомлагач, новвойликни йўлга қўйиб, 3 нафар тенгдошимни иш билан таъминламоқчиман.

**Аҳрorжон МУСУРМОНОВ.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтарганлар, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, агар улар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келсалар, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим».**

ТЕМУР тузукларидан.

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

14 (542)-сон, 2014 йил 10 апрель, пайшанба

## Самарқандда O`zLiDePнинг ўз ўрни бор

### Кейинги ойлар давомида вилоят ҳудудида партия аъзолари сони 19 300 нафардан 20 500 нафарга кўпайди

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Бошланғич ташкилотлар сони эса 781 тадан 872 тага етди. Партия вилоят кенгаши масъул ходими Элдор Примовнинг маълум қилишича, кейинги ойларда, айниқса, Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Пастдарғом туманларида партия сафида бўлиш истагини билдирганлар сони сезиларли даражада ошган. Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги йирик саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектларида янги қуйи бўғинлар иш бошлаганини айтиш мумкин. Оқдарё туманида эса кўпроқ фермерлар партиянинг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Шу ўринда ҳудуддаги бошланғич ташкилотлар билан маҳаллий кенгаш депутатлари ўртасида ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини айтиш жоиз. Бу эса ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

— Жамият олдидаги бурч ва масъулиятимизни бир дақиқа бўлса ҳам унутмаслигимиз лозим, — дейди O`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Фармон Очилов. — Бинобарин, партия Устави ва Дастуридан келиб чиқиб, ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, асосий электоратимиз саналган фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Мана, ҳаётий бир мисол. Самарқанд шаҳар, Эргаш Шодизода кўчаси, 7-уйда яшовчи тадбиркор Мавжуда Азизова «Сиёб» деҳқон бозори ҳудудидаги хусусий савдо дўкони фуқаро З.Турсунов томонидан ноқонуний равишда тортиб олинганидан норози бўлиб, O`zLiDeP вилоят кенгашига мурожаат қилган эди. Шу муносабат билан шаҳар партия кенгашида ишчи гуруҳи тузилди. Ариза бўйича Самарқанд шаҳар архитектура бўлими, хўжалик ҳисобидаги Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонасига депутатлик сўровлари юборилди.

Бундай масалалар муҳокамасида қуйи бўғинлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Ҳисобот-сайловлар жараёнида БПТ аъзоларининг электорат мурожаатлари билан қай даражада иш олиб борганларига эътибор қаратиляпти. Жорий йил март ойи ҳолатига 49 та БПТда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 1000 нафарга яқин партия аъзоси иштирок этган бўлса, 5 нафар етакчи янгидан, 44 нафари эса қайтадан сайланди.

Президентимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузалари, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, шаҳар ва туманларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган дастурлар, лойиҳаларнинг туб мазмун-моҳиятини юртдошларимизга етказишдир.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам партиявий-сиёсий ишлар кўнгилдагидек олиб борляпти, деб бўлмайди. Мисол учун, жорий йилнинг 1 март ҳолатига Оқдарё туманида 15 та, Тайлоқ туманида 5 та БПТ ташкил қилинган бўлса, Ургут туманида бу борада ҳеч қандай натижага эришилгани йўқ. Ваҳоланки, ҳар томонлама ривожланаётган, иқтисоди мустаҳкамланаётган Ургутда 997 та тадбиркорлик субъекти, 814 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Пахтачи туманида ҳам улар сони оз эмас. Шундай бўлса-да, партия сафларини мустаҳкамлашга қаратилган, электорат манфаатларини янада изчил ифода этиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти.




Бу эса жойларда депутатлик гуруҳлари фаолиятини қатъий йўлга қўйиш, БПТ ҳисобот-сайлов йиғилишлари, шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгаши сессиялари кун тартибига тайёрланаётган масалаларга алоҳида эътиборни тақозо этади. Энг асосийси эса жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш керак.

Маълумки, парламентда чуқур муҳокамалардан кейин қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш ҳам партия фаоллари зиммасидаги асосий вазифадир.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш билан боғлиқ стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

## Дилфузага ишонч билдирилди

### Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган 44 та бошланғич партия ташкилотининг 26 тасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 7 та қуйи бўғин фаолияти қониқарсиз, деб топилди

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

— Бу қуйи бўғинлар ва етакчилар фаолиятига юқори талаб қўйилаётганидан далолатдир, — дейди O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ирода Пардаева. — Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори асосида ўтаётган ушбу муҳим тадбир 2014 йилдаги режаларимизни чуқур таҳлил этиш имконини беряпти.

> **«ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ РАҲБАР ОРГАНИ ҲИСОБЛАНАДИ. МАЗКУР ЙИҒИЛИШДА УНИНГ РАИСИ ВА ЎРИНБОСАРИ БИР ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИ.**
> **ПАРТИЯ ҚУЙИ БЎҒИНИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ БПТ РАИСИ ВА РАИС ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ».**
>
> O`zLiDeP Уставидан.

Мана, бир мисол. Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасида «Турон» бошланғич ташкилоти иш бошлаганига энди бир йил тўлди. Ана шу фурсат ичида қуйи ташкилот кўпчилик назарига тушди. Бунда БПТ етакчиси Дилфуза Ҳожиеванинг ташаббускорлиги, доимо янги ғояларни илгари сураётгани муҳим аҳамият касб этди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия аъзолари сони 24 нафарга етгани, бунда Йўлчи Рўзиев, Азим Жўраев, Карим Бегматовнинг хизматлари катта бўлганини ҳам қайд этиш мумкин.

— Ҳар бир партия аъзоси ўз зиммасига юклатилган топшириқларга масъулият билан ёндашганида ютуқларимиз янада кўпайган бўларди, — дейди Дилфуза Ҳожиева. — Музокараларда қатнашганлар БПТ учун ўтган давр асосан синов даври бўлгани, қуйи ташкилот фаоллари саъй-ҳаракати ҳамда O`zLiDeP шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида маслакдошлар сафи сезиларли даражада ўсганлигини таъкидлаган бўлсалар-да, ҳали фойдаланилмаётган имкониятларимиз борлигини тушуниб етдим. «Соғлом бола йили» Давлат дастурини бажариш, айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида иш режамизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритдик.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида O`zLiDeP вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Убайдулла Астанов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилотлар олдида турган вазифалар хусусида фикр юритди.

Йиғилишда БПТ раиси фаолияти ижобий баҳоланиб, ташкилотнинг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилган йиллик иш режаси тасдиқланди, Дилфуза Ҳожиева етакчиликка қайта сайланди. O`zLiDeP сафида бўлиш истагини билдирганлардан 14 нафарига аъзолик гувоҳномалари топширилди. Тадбирда, шунингдек, БПТ ишини намунали ташкил этишда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ фаоллар O`zLiDeP шаҳар кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.




## Режа қоғозда қолмайди



Мирзаобод туманидаги «Раҳимбек Озод орзуси» фермер хўжалигида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2013 йилда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбирда халқ депутатлари Мирзаобод туман кенгаши депутати, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ўролова, Фермерлар кенгаши раиси А.Каттабеков, «Гулистон» МФЙ раиси, партия фаоли О.Умаров ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумладан, яқинлашаётган жиддий синов — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловлар арафасида партиянинг таянч нуқталари ишини кучайтириш, БПТлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, эришилган ютуқларни оммалаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Йиғилишда қуйи бўғиннинг жорий йилга мўлжалланган тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Тадбир якунида ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти маъқулланиб, Саодат Абдураззоқова кўпчилик овоз билан яна раисликка сайланди.

**С.Маматқулов,**
**O`zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши раиси ўринбосари.**

## Ўттиз нафармиз

Қува туманидаги бошланғич партия ташкилотлари тадбиркорлар ва фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Яқинда «Х.Абдураззоқов» ва «Улуғбек» муқобил машина-трактор паркларида иш олиб бораётган қуйи бўғин аъзолари ташаббуси билан айни мавзуга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

— Бошланғич ташкилотимиз 30 нафар қишлоқ мулкдорини бирлаштирган, — дейди «Улуғбек» ММТПдаги БПТ етакчиси Мансуржон Юсупов. — Айни пайтда партиямизнинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этяпмиз. Турли учрашув ва мулоқотлар чоғида фермерлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф қилишда депутатлик корпусидан унумли фойдаланишга келишиб олинмоқда.

**А.МУСУРМОНОВ.**

## Қуйи бўғинга юқори эътибор

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси О.Соибназаров, институт ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Ў.Холбадалов, O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Г.Аминова сайлов кампаниясига тайёргарлик ва сайловлар жараёнида қуйи ташкилотлар фаолиятини бошқаришнинг самарали тизимини ташкил этиш, жойлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда улар иштирокини кенгайтириш, БПТларнинг кадрлар салоҳиятини янада ошириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда, шунингдек, «Сайлов жараёнига тайёргарлик ва уни ўтказиш босқичида қуйи бўғинларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини режалаштириш», «Сайлов участкаларидаги кузатувчилар, ваколатли вакиллар, тарғиботчилар ҳамда БПТ фаоллари ўртасида тезкор ахборот алмашинувини ташкил этиш» ҳамда «Партия таянч тузилмаларининг электорат манфаатларига оид қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга оширишда депутатлик гуруҳларига кўмаклашиш борасидаги вазифалари» мавзуларида тренинглар ҳам ўтказилди.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

## «Тез ёрдам»да давра суҳбати

Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли «Тез ёрдам» бўлимида O'zLiDeP туман кенгаши фаоллари ва шифокорлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек, кичик бизнес вакиллари, ишбилармонлар ва фермерларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

— Бугунги ислоҳотлар жараёни зиммамизга катта масъулият юклаб, барча соҳада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда, — дейди туман партия кенгаши консультанти Заҳро Аҳмедова. — Зеро қайноқ ҳаёт ичида бўлиш бир томондан соғлом авлодни вояга етказиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга туртки берса, иккинчи томондан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада мустаҳкам замин яратади.

Тадбирда сўзга чиққан тиббиёт ходимлари партиянинг Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга хайрихоҳ эканликларини билдирдилар. Шу куни улардан 12 нафари O'zLiDeP сафига қабул қилинди.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ излаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон мол-мулк ва тирикчилик ашёларини улардан аямадим».**

ТЕМУР тузукларидан.

# Манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда

**БАРЧА СОҲА ВА ТИЗИМЛАРДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА БАНКЛАР МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНЛИГИ БУГУН ҲАР БИРИМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМ**

**Ўз мухбиримиз**



Солих ЗОИР олган сурат

Молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган «Туронбанк» очиқ-акциядорлик тижорат банкининг фаолияти фикримизга яққол мисолдир.

Ўтган йили банк томонидан мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида уларга 418,9 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу жойларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг асосийси эса сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбикорликни молиявий қўллаб-қувватлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. 2013 йил давомида «Туронбанк» томонидан хусусий секторга 271 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилганлиги ҳам бежиз эмас. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Муҳими, банкнинг кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган фаолияти фақат сармоя ажратиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Аксинча, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Шу ҳисобдан корхона ва ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари ҳар жиҳатдан рағбатлантирилияпти. Натижада истеъмолчиларга чет элникидан қолишмайдиган сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Умуман, барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлишидан дарак бериб турибди. Бу эса банк тизимининг иқтисодий тараққиёт соҳасида роли қанчалар муҳим эканидан далолатдир.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Кенгаш аҳли бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасунлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар».**

ТЕМУР тузукларидан.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

### Ўғлингиз иш ҳақини ҳам, иш жойини ҳам йўқотмайди

**«Ҳозир ўғлим бир ойлик ҳарбий хизматни ўтамоқда. Бу даврда унинг иш жойи ва иш ҳақи сақланиб қоладими?»**

Д.Исроилов, Тошкент шаҳри.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақирув резервида хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2 ва 19-бандларига асосан, бу ҳолатда ҳарбий хизматчилар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий кафолатлар тўла татбиқ этилади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 163-моддасига кўра, иш берувчи ходимни мудофаа ишлари бўлими томонидан берилган маълумотномада кўрсатилган муддатда унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар иш ҳақини сақлаб қолиш билан боғлиқ харажатларни бюджет ҳисобидан қопласалар, бошқа корхона ва ташкилотлар бу маблағни иш ҳақи фондидан ажратадилар.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

### Экспорт икки миллиард доллардан ошади

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида 2013 йили ушбу йўналишда умумий қиймати 264 млрд. долларлик 188 та лойиҳа амалга оширилган эди. Мазкур корхоналар томонидан қарийб 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар тайёрланиб, нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам етказиб берилди. Масалан, Зангиота туманидаги «Forex mebel», «Baxmal», «Standartteks» масъулияти чекланган жамиятлари, Қибрайдаги «Asven disteelleries», «Baytqo`rg`on-agrov-xaitov», «Imkon plus» корхоналарининг маҳсулотлари йилдан-йилга харидоргир бўлиб бормоқда. Жорий йилда ҳам вилоятда саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис хизмати кўрсатиш корхоналарини фойдаланишга топшириш эвазига қарийб 2 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилиш ва 9 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

# Жамғарма ташаббуси билан

**Юртбошимиз қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Хоразм филиали томонидан 2014 йил январь-март ойларида 15 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига жами 5,5 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаларини тузиш ва рўйхатга олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 500 минг долларни ташкил этувчи маҳсулотлар Россия, Хитой ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинди.**



Шу ўринда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилаётган учрашувларда жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ва шароитлар ҳақида тадбиркорларга кенг маълумотлар берилаётганини таъкидлаш жоиз. Жорий йилда 10 дан ортиқ хоразмлик тадбиркорни жамғарма ҳамда унинг хорижий ҳамкорлари маблағлари ҳисобидан халқаро ярмарка ва кўргазмаларга жўнатиш режалаштирилганини ҳам айтиш мумкин. Ўз навбатида тадбиркорлар ана шу ярмаркаларда жами 3 млн. долларлик экспорт шартномаларини имзолашни кўзда тутмоқдалар.

Жамғарма филиали томонидан «Ўзстандарт» агентлигининг Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимлари (СМТ)ни жорий этиш ва шу тариқа корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича ҳам чора-тадбирлар амалга оширилаётганини айтиш жоиз. Натижада жамғарма молиявий кўмаги билан 4 та корхона учун халқаро стандартлар талабларига асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш жадвали ишлаб чиқилди.

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**

«АГРОБАНК» ОАТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ **АБДИВАҲОБ ТАМИКАЕВ**,
АТ «ИПОТЕКА БАНК» БОШҚАРУВИ РАИСИ **ОМОН МУСАЕВ** ҲАМДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, «ТАДБИРКОР АЁЛ» АССОЦИАЦИЯСИ, «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ РАҲБАРЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛГАН.

Тўртинчи мулоқот **2014** йилнинг **18** апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси Абдиваҳоб Тамикаев жавоб қайтаради.

*Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.**
**(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**«Наврўзинг муборак»** – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда берилади;

**«Баҳор ифори»** – омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда берилади;

**«Соғлом фарзанд камоли»** – омонатга маблағлар 2 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади;

**«Зиё»** — омонатга маблағлар 1-3 ойга қабул қилинади ва фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда берилади;

**«Мағрур юрт фарзанди»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда берилади.

Бундан ташқари аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида тўланадиган коммунал тўловларни тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги, махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

**«Қулай тўлов»** – омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини узиш учун йўналтирилади.

**«Тежамкор»** – омонатга маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини узиш учун йўналтирилади.

**«Коммунал»** – омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини узиш учун йўналтирилади.

**Ушбу омонат турларига маблағ банкнинг барча филиалларида қабул қилинади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) | 150-77-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) | 150-79-19 |
| 3. | Андижон минтақавий филиали | (374) | 222-23-72 |
| 4. | Фарғона минтақавий филиали | (373) | 229-70-91 |
| 5. | Наманган минтақавий филиали | (369) | 223-04-37 |
| 6. | Бухоро минтақавий филиали | (365) | 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд минтақавий филиали | (366) | 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё минтақавий филиали | (375) | 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё минтақавий филиали | (376) | 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) | 224-22-15 |
| 11. | Хоразм минтақавий филиали | (362) | 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё минтақавий филиали | (367) | 221-00-71 |
| 13. | Жиззах минтақавий филиали | (372) | 771-63-38 |
| 14. | Навоий минтақавий филиали | (436) | 770-27-97 |

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
— солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тассаруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93
WWW.QQB.UZ

*Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган.

# Қайтар дунё

## Таҳлилчилар томонидан 2013 йили дунё миқёсида рўй берган табиий офатлар оқибатида 130 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилгани таъкидланяпти



Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

2013 йилнинг ноябрь ойида Филиппинга ёпирилган табиий офат метеокузатувлар тарихидаги энг кучли довул бўлди. Соатига 300 км. тезликда эсган шамолдан архипелагнинг марказий қисмидаги 10 миллионга яқин аҳоли жабрланиб, бир неча минг киши қурбон бўлган. Мамлакат иқтисодиётига эса 15 млрд. доллар миқдорида зиён етди. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизига тенг маблағдир.

Тарихдан маълумки, инсон табиат инжиқликлари олдида доимо ожиз бўлиб келган. Ҳатто фан ва техника ўта ривожланган, инсоният ўзга сайёралар сир-асрорларини тадқиқ этаётган бир пайтда ҳам одамлар талафотларга қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, унинг олдини олишнинг ҳам уддасидан чиқолмаяптилар. Чунки башариятнинг ўзи табиат неъматларини асраб-авайлаш ўрнига талон-тарож қиляпти. Акс ҳолда бир пайтлар Чарльз Дарвинни илҳомлантирган бетакрор Галапагосс ороллари эндиликда аянчли ҳолга тушиб қолмас эди. Ҳозирги кунда Тинч океанидаги машҳур архипелагдаги вазият соҳа мутахассисларини янада жиддий ташвишга солмоқда. Мазкур ҳудуд Бутунжаҳон қўриқхонаси ҳимоясига олинган бўлса-да, ноқонуний балиқ овига чек қўйиш жуда қийин кечяпти. Шуниси ачинарлики, бу ерда нафақат балиқ, бошқа денгиз ҳайвонлари ҳам хўжасизларча овланмоқда. Экологларнинг Эквадор томонидан назорат қилинадиган оролнинг денгиз экотизими таназзулга юз тутиши мумкинлигини такрор ва такрор таъкидлашларига қарамай, вазиятга ҳамон панжа орасидан қаралмоқда. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, дунёнинг 7 та сувости мўъжизасидан бири — Галапагосснинг тақдири аянчли аҳволга тушиб қолиши, сайёҳларни ҳамиша ўзига жалб этиб келган денгиз шерлари, дельфинлар, тошбақа, наҳанг пингвинг ва қушлар айнан инсон фаолиятининг қурбонига айланиши муқаррар. Афсуски, табиат мувозанатининг бузилишига биргина овчилик сабаб бўлаётгани йўқ. Ўрмонларнинг кесилиши, дашт ерларнинг ўзлаштирилиши, гидростанцияларнинг қурилиши каби кўплаб бошқа сабаблар ҳам борки, улар айнан табиатнинг онгли мавжудоти саналмиш инсон томонидан амалга оширилмоқда.

Ўрни келганда табиат оламига билиб-билмай аралашиш жуда қимматга тушаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Узоққа бормай, жорий йилнинг ўзида дунёнинг турли нуқталарида рўй берган иқлим ўзгаришлари туфайли январь ойида АҚШ фуқаролари кейинги 17 йилда биринчи марта ўз бошларидан ўта аёзли кунларни ўтказишгани, яъни мамлакатнинг океанга туташ соҳиллари ва жанубида ҳаво ҳарорати 40 даражагача совиб кетганини айтиш мумкин. Арктика циклонининг ёпирилиши оқибатида ҳатто машҳур Ниагара шаршараси ҳам музлаб қолди. Оклахома, Теннесси ва Арканзас штатларидаги кучли қор бўрони 5 миллиард доллар зарар келтирди. Бу АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 0,2 фоизга тушиб кетишига олиб келди. Бундай об-ҳаво туфайли биргина «JetBlue» авиакомпанияси 10 мингдан ортиқ парвозни бекор қилиб, йўловчиларга муайян миқдорда товон пули тўлашга мажбур бўлди.

«Bloomberg Businessweek» нашрининг ёзишича, Америкада 15 даражадан пастга тушиб кетган совуқ ҳаводан зарар кўрмаган соҳа қолмади, ҳисоб. Фақат автотаъмир устахоналари, кураклар, туз, қор тозалаш ускуналари савдоси билан шуғулланувчиларгина фойда кўрди. АҚШ ҳудудида энг паст ҳарорат Миннесота штатининг Эмбаррас шаҳрида қайд этилди. У ерда термометр кўрсаткичлари 37 даражали совуқни кўрсатди. Бу ҳарорат Марсдаги ва Антарктиданинг айрим ҳудудларидаги ҳароратдан ҳам анча пастдир. Умуман, совуқ ҳарорат АҚШнинг 50 та штатида қайд этилди. Аномал совуқ 20 кишининг умрига зомин бўлгани эса табиат инжиқлиги жуда қимматга тушаётганидан далолатдир. Қишдан эсон-омон чиқдик, деб ўйлаган америкаликлар ҳаётида яна бир кўнгилсизлик юз берди. Жорий йилнинг 22 март куни Вашингтон штатида рўй берган кўчки натижасида қарийб 50 киши ҳалок бўлди.

Умуман олганда, бу йил совуқ ҳаво жуда кенг ҳудудларни қамраб олди. Хусусан, «кўҳна қитъа» ва Осиё ҳам қиш қаҳридан бебаҳра қолмади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, энг мураккаб аҳвол Францияда юз берди. Автомобиль йўлларини қор босиши туфайли юзлаб одамлар тунни машиналарида ўтказдилар. Хусусан, Нормандиядаги Шербург шаҳри яқинида қорнинг қалинлиги бир метрга яқинлашгани натижасида 500 га яқин автомобиль йўлларда қолиб кетди. Темир йўлларда ҳам ҳаракат тўхтатилди. Аэропортлардаги қатновларнинг эса қарийб чорак қисми бекор қилинган. Синоптиклар мамлакатнинг 26 та минтақасини қамраб олган қор бўронлари бутун Европада кузатилаётганини таъкидлашмоқда. Хусусан, кучли қор ёғиши туфайли Германияда ҳаракат издан чиқди ва бир неча юзлаб йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Буюк Британия йўлларида ҳам табиат инжиқлиги оқибатида бир неча километрга чўзилган тирбандликлар юзага келди.

Она-табиат мўъжизасини қарангки, айни шу пайтда Австралияда иссиқ об-ҳаво кузатилиб, тўрт томони сув билан ўралган мамлакат шимоли-шарқидаги Квинсленд штатида ҳарорат 50 даражагача кўтарилди. Натижада кучли жазирама тафтидан 100 мингдан зиёд кўршапалак қирилиб кетди. Айрим қушлар учиб кетаётган пайтда «қовурдоқ»қа айланиб пастга қулаган ҳолатлар ҳам кузатилди. Энг ёмони, бундай аномал ҳолат Австралиянинг бой флора ва фаунасига жуда катта зарар етказди.

Аслида иқлим ҳамиша ўзгарувчан бўлиб, кўп ҳолларда унга табиий жараён сифатида қаралади. Аммо XXI асрда бу жараён табиий омиллар асосида эмас, балки инсониятнинг ҳатти-ҳаракати туфайли ўзгара бошлагани аччиқ ҳақиқатдир.

Иқлим ўзгаришлари ҳақида гап кетганда, олимлар унинг асосий омилларидан бири сифатида «иссиқхона эффекти»ни тилга олишади. «Иссиқхона эффекти» — Қуёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига олиб келаётган омил бўлиб, шу ҳодиса юз бермаганида сайёрамиз иқлими аввалги ҳолатида қолиши мумкин экан. Уни инсон фаолияти билан атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва бошқа бир қатор газлар вужудга келтиришини таъкидлаш жоиз. Уларни асосан саноат корхоналари, кўмирда ишловчи электростанциялар, машина ва самолётларда ишлатиладиган ёқилғи келтириб чиқармоқда. Маълумотларга қараганда, 1880 йилдан бери «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқарувчи газлар ҳажми 30 фоизга ошган. Таҳлилчилар худди шу ҳолат сайёра иқлимининг ҳаддан зиёд исиб кетишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқдалар. Мабодо тегишли чоралар кўрилмаса, 2100 йилга бориб Ер сайёрасининг ўртача ҳарорати 1,4 дан 5,8 даражагача кўтарилиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Айрим экспертлар эса инсон ўз фаолияти билан улкан музликларга тузатиб бўлмас даражада зарар етказаётганини, ҳатто Арктикадаги музликлар келгуси 40-50 йил мабайнида эриб, океан сатҳи 7 метргача кўтарилиши хусусидаги тахминларни илгари сурмоқдалар. Бу эса об-ҳаво инжиқликлари, яъни сув тошқинлари ва сурункали ёмғир ёғиши каби офатлар яна кўпайиши мумкин, деганидир.

Мутахассислар дунё миқёсида об-ҳавони кузатиш бошлангандан бери кейинги ўн йил энг иссиқ давр бўлгани, 160 йиллик кузатувлар асосида тақдим этилган ҳисоботларда эса сўнгги 40 йилда Ер юзида ҳаво ҳарорати муттасил кўтарилиб боришини қайд этяптилар. Оқибатда паррандаларнинг тахминан учдан бир қисми қурбон бўлиши мумкин. Вақтинча хавфдан холи дейилаётган амфибияларнинг 41 фоизи ҳам иссиқ шароитга мослаша олмайди. Шу кетишда «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот туридан 17 мингтаси йўқолиб кетиши тўғрисидаги фикрлар бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Ана шундай бир вазиятда ҳам инсоният табиатга муносабатини ўзгартиришга шошилмаяпти.

Ўтган 2013 йил европаликлар учун ҳам йирик сув тошқинлари йили бўлди. Марказий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларида бор-йўғи бир неча кунда икки ойлик миқдордаги ёмғир ёғди. Оқибатда Дунай сувлари сатҳи энг юқори даражага кўтарилди. Чехиянинг 50 та шаҳрида энг кучли хавф-хатар ҳолати эълон қилиниб, 3 минг нафарга яқин киши хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Ана шу ва бошқа кўнгилсизлик туфайли суғурта учун тўланадиган маблағ миқдори ўн йил аввалгисидан анча юқори бўлганлиги табиий ҳол, албатта. Токионинг Намура молия гуруҳи таҳлилчиларининг айтишича, шу даврда суғуртачилар харажати 3 миллиард еврога етган. Табиийки, бундай талафотлар бюджет харажатларига сезиларли даражада таъсир ўтказди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, табиий офатлар олдини олишнинг бирдан-бир йўли — инсониятнинг биосферага таъсирини тартибга солишдир. Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришилмас экан, бундан олам ва одам бирдай зарар кўраверади.

***1880 йилдан бери «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқарувчи газлар ҳажми 30 фоизга ошган. Таҳлилчилар худди шу ҳолат сайёра иқлимининг ҳаддан зиёд исиб кетишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқдалар.***

## ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

### Габриэль Маркесга сув керак



«Ёлғизликнинг юз йили» асари билан бутун дунёда ном қозонган колумбиялик адиб Габриэль Гарсиа Маркес шифохонага ётқизилди. Шифокорлар 87 ёшли ёзувчига «зотилжам» (пневмония) ташхисини қўйганлар.

Баъзи манбаларда Маркеснинг организми сувсизлангани хабар қилинмоқда.

Қайд этиш жоиз, Габриэль Гарсиа Маркес испан тилида сўзлашувчи халқларнинг Мигель Сервантес замонидан кейинги энг машҳур ёзувчисидир.

### Омадсиз автомобиллар

Япониянинг «Toyota» компанияси савдога чиқарилган 6,39 миллионта автомобилни қайтариб оладиган бўлди.

Қайд этилишича, автоуловларнинг қайтариб олинишига бешта техник муаммо сабаб бўлган. Бироқ компания мутасаддилари гап айнан қандай камчиликлар ҳақида бораётганини маълум қилмаяптилар. Уларнинг фикрича, ҳозиргача аниқланган нуқсонлар автоҳаваскорларга ҳеч қандай зарар етказмаган.

### Сохта йиғининг баҳоси



Хабарларга қараганда, Хитойда дафн маросимлари учун махсус актёрларни жалб қилиш урфга айланмоқда. Улар марҳумнинг яқинлари бошқа юмушлар билан банд бўлган вақтда йиғлаб туришади. Чинликлар одатига кўра, дафн маросимида марҳумнинг қариндош-уруғлари баланд овоз билан йиғлашлари лозим. Айни пайтда ушбу вазифани бажаришга 7 нафар актёр тахминан 600 АҚШ долларига жалб этилмоқда. Асосан аёллардан иборат ушбу гуруҳ дафн маросимида нафақат ўзлари, балки қариндошларни ҳам йиғлатишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар маросим учун махсус макияж ва либослар ҳам тайёрлашади.

### Қарор қатъий

2018 йилнинг 1 майидан бошлаб Америкада барча автомобиллар учун орқа томонни кўрсатувчи камераларнинг бўлиши мажбурий этиб белгиланди.

Ушбу янгилик йўлларда хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида жорий этилмоқда. Камералар ҳам, ўз навбатида, бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Хусусан, ҳайдовчи орқага ҳаракатланаётган пайтда автомобилнинг орқа томонидаги майдонни аниқ кўра олиши керак.

Таъкидлаш жоиз, АҚШда ҳар йили 200 нафардан ортиқ киши автомобилларнинг тўсатдан орқага юриб кетиши оқибатида ҳалок бўлади. 15 минг киши эса тан жароҳати олади. Бундан айниқса ёш болалар ва қариялар кўпроқ жабрланмоқдалар.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир».**

ТЕМУР тузукларидан.




Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80,
e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz




Солих ЗОИР олган сурат

# Замонавий банк хизматлари кўргазмаси

**Тошкентда иш бошлаган «BANKEXPO» VII миллий кўргазмасида мамлакатимиздаги барча тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, етакчи суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари билан иштирок этмоқдалар**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Шу билан бирга тадбирда кичик бизнес, хусусан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида банк тизими билан изчил ҳамкорлик қилаётган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ҳунарманд» уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳам фаол қатнашаяптилар.

Бу йилги кўргазма «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, тадбиркорликка эндигина кириб келаётган таълим муассасалари битирувчиларига таклиф этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсиялар берилаётгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, кўргазмада тижорат банклари томонидан чекка ва аҳолиси зич ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи 200 дан ортиқ сертификат топширилгани қатнашчиларда илиқ таассурот уйғотди.

— «Асака» банк ҳам тадбиркорлик тузилмаларини рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида танлов ўтказган эди, — дейди банк мижози, «MULTIMIX BULDING» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ёқубжон Сулаймонов. — Ушбу танловда ўз лойиҳамиз билан иштирок этиб, ғолиб бўлдик. Ана шундай имтиёз ва имкониятларга эга бўлишимизда «BANKEXPO» миллий кўргазмасининг ҳам ўрни каттадир.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

### Ўқиш жойингизни ўзгартиришингиз мумкин

**«Айни кунда касб-ҳунар коллежида «Касбий таълим» мутахассислиги йўналиши бўйича таҳсил олаяпман. Меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиққан ҳолда ўқишимни «Бухгалтерлик ҳисоби» йўналишига ўзгартиришим мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз».**

Д.МАҲКАМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.



Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги 367-сонли қарорига асосан, ўқишни бир муассаса ичида ёки бошқаларига кўчириш ёзги таътил даврида, ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади. Кўчириш учун бир таълим муассасаси директорининг буйруғи кифоя. Муайян минтақа доирасида ўқишни бир муассасадан бошқасига кўчириш ўқувчининг иккала муассаса директорларига бериладиган ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса, унинг ота-онасидан бирининг (ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тегишли ҳудудий бошқармасининг рухсати билан амалга оширилади. Дарвоқе, ўқишни бир минтақадан бошқа минтақага кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази рухсати билан амалга оширилади.




Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, дам олиш кунларига бориб республикамизда вақти-вақти билан ёққан ёмғир қорга айланиши, айрим жойларга туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат 13 апрелда кечаси –1+2, кундузи +8-13, бошқа кунлари тунда 3-8, кундузи 15-20 даражагача кўтарилади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси +1-6, кундузлари +17-22, ҳафта охирига бориб эса +8-13 даража илиққача пасаяди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат тунда +1-6 атрофида бўлиши, кундузлари эса 18-23 даражадан 10-15 даражагача пасайиши кутиляпти. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда термометр миллари ҳафта ниҳоясида кечаси –1+2, кундузлари эса 8-13 даража илиққача пасайишини кўрсатмоқда. Фарғона водийси вилоятларида кечаси +3-8, кундузлари 15-20 даража илиқ бўлади. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан +2-7, кундузлари эса 5-10 даража илиққача кўтарилиши мумкин.

## «Зумраша»нинг зўрлари суратга олиняпти




«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташаббуси билан жорий йилда «Зумраша» ҳажвий болалар киножурналининг 12 та янги серияси жажжи телетомошабинларга тақдим этиладиган бўлди.

Маълум бўлишича, ҳар бири тўртта эпизоддан иборат 15 дақиқалик тўпламлар агентлик қошидаги «Бешинчи» ёшлар ижодий-тажриба студияси томонидан суратга олиняпти.

— Ушбу киножурнал Давлат дастури ижросини таъминлаш баробарида юз нафарга яқин ёш киноижодкор учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ҳам ўтайди, — дейди студия директори Иззатилла Саиджабборов. — Киножурнални тасвирга олиш ишларига 48 кишидан иборат ижодкорлар гуруҳи, жумладан, сценаристлар, режиссёрлар, операторлар ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Ушбу жараёнга Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев раҳбарлик қилмоқда. Айни пайтда киножурналнинг илк тўплами тасвирга олиб бўлинди.

## Океанариум 190 та стадион ўрнини эгаллади

Гуанчжоу (Хитой) шаҳри яқинидаги Хенкин оролида очилган янги океанариум Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан энг катта ва энг қиммат иншоот сифатида ўрин оладиган бўлди.

Маълумотларга кўра, уч йилда қурилган ушбу иншоотга салкам 810 млн. АҚШ доллари сарфланган.

«Чимлонг денгиз салтанати» деб номланган океанариум 132 гектар (тахминан 190 та футбол майдонига тенг ҳудуд) майдонни эгаллаган бўлиб, унинг ҳавзаси жами 22,7 млн. литр сув билан тўлдирилган. Дунё океанининг турли хил кўринишлари акс этувчи еттита бўлимга бўлинган «салтанат» ҳудудида 5D кинотеатри ва денгиз жониворлари цирки ҳам бор. Океанариумга ташриф буюрган меҳмонлар бу ерда юздан ортиқ турдаги балиқ, жумладан, китсимон акулаларни ҳам кўришлари мумкин.

Шу ўринда «Чимлонг денгиз салтанати» 2014 йил бошида фойдаланишга топширилган, денгиз бўйида қад ростлаган 1,8 мингта номерли «Chimelong Hengqin Bay Hotel» экомеҳмонхонаси қошида ташкил этилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Қайси бир аскар туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман, деб билдим».**

ТЕМУР тузукларидан.

## БУ — ҚИЗИҚ!



### Қора помидор фойдалими?

Фермерлар томонидан бинафшаранг сабзи, қизил пиёз ва бошқа ноодатий рангдаги сабзавотлар етиштирилгани ҳақида кўп эшитганмиз. АҚШда эса қора рангли помидорлардан яхши ҳосил олинаётганига бир неча йил бўлди. Бир қарашда бу турдаги сабзавот генетик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулотдек кўринса-да, аслида Жанубий Америкада VIII асрдан буён етиштирилар экан.

Эътиборлиси, думалоқ бақлажонни эслатувчи бундай помидорлар хомлигида бошқаларидан фарқ қилмаса-да, етилгани сайин қорайиб боради. Таъми қизил «қариндошлари»га қараганда анчагина тотли бўлиб, ундан асосан сабзавотли икра ёки салатлар тайёрлашда фойдаланилади. Биологларнинг таъкидлашича, қора помидор анъанавийларига қараганда анча фойдали хусусиятларга ҳам эга. Масалан, «Индиго атиргули» деб номланган помидор нави антиоксидантларга бой бўлиб, ортиқча вазнга қарши самарали восита ҳисобланади. Қора помидорларнинг «қайта тикланган» тури илк бор АҚШнинг Орегон штати университети профессори Жим Майерс бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан етиштирилган. Аслида бир қанча ёввойи помидорлардан бинафшаранг сабзавотларни олиш устида иш олиб борган олимлар қора тусдаги ноодатий помидорни ҳам етиштиришга муваффақ бўлишган.

**Мадина АЗИЗОВА.**

## Дунёдаги энг узун коллектор — Оролбўйида!



Қорақалпоғистонда узунлиги 193 километрни ташкил этувчи коллектор, яъни кичик каналлар, қувур ва зовурлардан оқиб келувчи сувларни бир жойга тўплайдиган ягона гидроиншоот қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мутахассислар томонидан дунёдаги энг узун коллектор сифатида эътироф этилаётган мазкур объект Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги «Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бунёд этилди.

Эътиборлиси, мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларининг экотизими тубдан ўзгарди. Хусусан, сувларни бир жойга тўплаш орқали пайдо бўлган йигирмадан ортиқ катта-кичик сунъий кўлга бир пайтлар бу ерларни тарк этган бирқозон ва бошқа ноёб қушлар қайтиб келди. Ерлар ҳосилдорлиги ошиб, маҳаллий аҳоли томонидан ўндан ортиқ янги балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Энг муҳими, ушбу лойиҳа доирасидаги чора-тадбирларни амала ошириш давом эттирилмоқда. 2017 йилгача Қорақалпоғистоннинг жануби-шарқини Орол денгизи билан боғлайдиган ушбу коллекторга келиб қўшиладиган барча эски зовур ва каналларни реконструкция қилиш ҳамда бир қатор янги қувурларни барпо этиш кўзда тутилган.

## «Ангрен» МИЗда янги кон топилди

Геологларимиз мамлакат ҳудудидан яна битта маъданларга бой тоғ конини топдилар, дея хабар беради uzreport.com сайти.

Маълумотларга қараганда, таниқли олим Рустам Юсупов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар Ангрен яқинидаги Келенчек-Ташкескен ҳудудини ўрганиш пайтида бу ердан мис, молибден, олтин, платина ва бошқа нодир металлар қазиб олиниши мумкинлигини аниқлаганлар.

Тадқиқотлар мобайнида янги рудали майдоннинг пайдо бўлиш хусусиятлари ярим асрдан ортиқ вақт давомида Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати учун хом ашё етказиб бераётган Қалмоққир конининг геологик сифатларига ўхшаши ҳам маълум бўлган. Эътиборлиси, янги кон 2012 йилда ташкил этилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси яқинида жойлашган. Бу эса хорижлик инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган МИЗга бўлган қизиқишини янада ошириши табиий.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ.**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Тошкент вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят Фермерлар кенгаши раҳбари Тўлқин Тўраевга онаси
**Майрам ТЎРАЕВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O`zLiDeP Яккасарой туман кенгаши партия аъзоси
**Нигмон НИЗОМОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
SARDOR AVTO INVEST
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9627 **Тираж:** 17327
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
**Н.ТОШЕВ, Б.ИСРОИЛОВ.**